ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йил январь-мартида Бухоро вилояти бўйича ялпи ҳудудий маҳсулот (кейинги ўринларда ЯҲМ) ҳажми жорий нархларда 2 599,9 млрд. сўмни ташкил этди ва 2017 йилга нисбатан 0,4 % га пасайди.

2018 йил январь-март якунлари бўйича аҳоли жон бошига ЯҲМ 1388,4 минг сўмни ташкил этди ва бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 1,8 % га камайди.

Ўзбекистон Республикаси бўйича ЯИМ ни шакллантиришда Бухоро вилоятининг кўшган хиссаси 4,0 % ни ташкил этди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича ЯҲМ ни ишлаб чиқариш

	Млрд.сўм		*2017 й. га нисбатан % да*
	2017 й.	*2018 й.*	
I. ЯҲМ	**2166,1**	**2599,9**	**99,6**
шу жумладан:			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	1949,2	2309,9	99,7
Маҳсулотларга соф солиқлар	216,9	290,0	98,3
II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	1949,2	2309,9	99,7
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	205,8	275,7	103,8
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	752,5	852,7	91,8
саноат	536,6	660,4	97,9
қурилиш	215,9	192,3	76,6
Хизматлар	990,9	1181,5	104,9
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	270,5	328,9	101,3
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа	241,7	263,7	105,6
бошқа хизмат тармоқлари	478,7	588,9	106,6

Ҳудуд иқтисодиётнинг асосий тармоқларида кузатилган ўсиш суръатлари ЯҲМ ўсишида асосий омил бўлиб хизмат қилди. Жумладан, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги тармоғининг ўсиш суръати 99,7 %, (ЯҲМ таркибидаги улуши – 11,9 %), саноат – 97,9 % (28,6 %), қурилиш – 76,6 % (8,3 %), савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар – 101,3 % (14,2 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 105,6 % (11,4 %) ва хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 106,6 % (25,6 %) ни ташкил этди.

2018 йил январь - март учун ЯИМ нинг
иқтисодий фаолият турлари бўйича ўсиш суръатлари



Ҳудуд иқтисодиётининг барча тармоқларида яратилган ялпи қўшилган қиймат (ЯҚҚ) хажми умумий ЯҲМнинг 88,8 % ини, маҳсулотларга соф солиқлар эса, 11,2 % ини ташкил этди.

Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркибидаги улуши 1,3 % пунктга ўсди ва ҳисобот йилида 11,9 % ни ташкил этди. Саноат (қурилишни қўшган ҳолда) тармоғининг улуши 1,1 % пунктга ошди ва 28,6 % ни ташкил этди. Хизматлар соҳасининг ЯҲМ таркибидаги улуши 2018 йилда 51.2 % ни ташкил этди ва 2017 йил 50,8 %) билан таққосланганда 0,4 % пунктга ошди .

Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркиби (*жамига нисбатан фоизда*):



Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларнинг ЯҲМ таркибидаги улуши 14,2 % ни (2017 й. – 13,9 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 11,4 % ни (12,4 %), хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 25,6 % ни (24,5 %) ташкил этди.

Хизматлар соҳасининг ялпи қўшилган қиймати таркиби (*жамига нисбатан фоизда*):

2017 йил январь-март

2018 йил январь-март

- савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар
- ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа
- хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар

Бухоро вилоят статистика бошқармаси.
Статистика фаолиятини ташкил этиш
ва йиғма ахборот-таҳлилий ишлари бўлими
Нашр учун масъул: Ж.Рахматов
(0371) 230-82-98